

“Andijon biokimyo zavodi” АЖ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ
2/24- СОНЛИ Б А Ё Н Н О М А С И.

“Andijon biokimyo zavodi” акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2024 йил 20 сентябрь куни соат 10-00 да жамият маъмурий биносидан (Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Бобур шохкўчаси, 12-уй манзилида) бўлиб ўтди.

2024 йил 20 сентябрдаги жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан санок комиссия шахсий таркибига киритилган аъзоси Б.Гиёсов жамият томонидан жами 5 905 427 дона акция чиқарилганлиги, умумий йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш натижаларига кўра йиғилиш ўтказилиши белгиланган вақтга акциядорлар ва уларнинг ишончли вакиллари 5 673 734 дона акция билан рўйхатдан ўтганлигини, бу эса овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларга нисбатан 96,08 фоизни ташкил этганлигини маълум қилиб, умумий йиғилишни очиш мумкинлигини билдирди. Умумий йиғилишни очиш масаласи акциядорлар тарафидан бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш очик деб эълон қилинганлиги муносабати билан қуйидагилар очик овоз бериш йўли билан тасдиқлаб олинди:

Йиғилиш президиуми уч кишидан иборат қуйидаги таркибда сайланди:

- А.Б. Мубораков – Давлат улуши вакили.
- Ф.Й.Тўрақулходжаев - Жамият бошқарув раиси в.в.б.
- А.А.Ирматов – Жамиятнинг маркетинг ва савдо бўйича директор в.в.б.

Йиғилиш раиси этиб А.Мубораков ва котиби этиб А.Кадирова сайланди.
Овоз бериш тартиби - бюллетен орқали.

Умумий йиғилиш кун тартиби:

1. Умумий йиғилишнинг регламентини тасдиқлаш.

Ахборотчи: А.Мубораков – Йиғилиш раиси

2. Санок комиссияси таркибини сайлаш.

Ахборотчи: А.Мубораков – Йиғилиш раиси

3. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Ахборотчи: Б.Гиёсов – жамият корпоратив котибият мутахасиси.

4. Жамиятнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Ахборотчи: У.Рахимов – жамиятнинг режа ва иктисод булими бошлиғи.

5. Жамиятнинг ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

Ахборотчи: Б. Гиёсов – жамият корпоратив котибият мутахасиси.

6. 2017, 2018, 2019 ва 2020 йил яқунлари бўйича ҳисобланган, лекин талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият фойдасига олиш тўғрисида.

Ахборотчи: Б. Ғойиббердиев – жамият бош ҳисобчиси в.в.б.

7. Жамиятнинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Ахборотчи: Б.Гиёсов – жамият корпоратив котибият мутахасиси.

Кун тартибидаги **биринчи ва иккинчи** масалалар бўйича йиғилиш раиси А.Мубораков сўз олиб, бугунги умумий йиғилишнинг регламентини қуйидагича белгиланишига тасдиқлаб ўтди:

- кун тартибидаги барча масалалар бўйича сўзга чиқувчиларга 5 дақиқадан,
- таклиф ва мулохазалар учун 5 дақиқадан,
- кун тартибидаги масала бўйича қарор қабул қилишга 10 минут.



Яна у ўз сўзида санок комиссияси шахсий таркибига жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия қилинган қуйидаги номзодларни сайлашни таклиф этди:

- Б.Ғиёсов (жамият ходими)
- У.Рахимов (жамият ходими)
- А.Каримов (жамият ходими)

Кун тартибидаги **учинчи** масала юзасидан Б.Ғиёсов сўз олиб, жамият кузатув кенгаши аъзолигига берилган номзодлар билан йиғилиш қатнашчиларини таништириб ўтди ва тарқатилган бюллетенларда кумулятив овоз бериш орқали ўзларининг муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича У.Рахимов сўз олиб, жамиятнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништириб ўтди.

Шундан сўнг, ушбу масала бўйича йиғилиш раиси А.Муборақов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги PQ-422-сонли қарорига мувофиқ, ташкилий тузилма кузатув кенгаши томонидан ўрганиб чиқилиб, асосли таклифлар тақдим этилган сўнг қўрилиши мақсадга мувофиқ тўғрисида айтиб ўтди.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича Б.Ғиёсов сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 3 июлдаги 464-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, жамиятнинг ички низоми, яъни “Кузатув кенгаши тўғрисида” ги низомига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матни билан йиғилиш қатнашчиларини таништириб, тасдиқлаб беришларини сўради (ўзгартириш ва қўшимчалар матни илова қилинади).

Кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси в.в.б. Б.Ғойиббердиев сўз олиб, жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича 9613542.62 сўм, 2018 йил якуни бўйича 17355903.0 сўм, 2019 йил якуни бўйича 36723917.0 сўм ва 2020 йил йил якуни бўйича 15905527.33 сўм, жами **79 598 889.95** (етмиш тўққиз миллион беш юз тўқсон саккиз минг саккиз юз саксон тўққиз сўм 95 тийин) сўм ҳисобланган, лекин шу кунга қадар талаб қилиб олинмаган дивидендлар йиғилиб қолганлиги, ушбу дивидендларни амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, жамият фойдасига олишга рухсат беришларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала юзасидан Б.Ғиёсов сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 3 июлдаги 464-сонли қарори ҳамда амалдаги қонунчиликларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, жамиятнинг Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матни билан йиғилиш қатнашчиларини таништириб, тасдиқлаб беришларини сўради (Жамият Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матни илова қилинади). Яна у ўз сўзида жамият Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матни Давлат хизматлари марказидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиш кераклиги, лекин ушбу Марказ томонидан факатгина янги тахрирдаги Уставни рўйхат (кайта рўйхат) га олишга имконияти борлигини инобатга олиб, жамиятнинг Уставини факатгина юқоридаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киргизган ҳолда янги тахрирда давлат рўйхатидан ўтказишга рухсат беришларини сўради.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги муҳокама этилган масалалар бўйича ўз овозларини бюллетенларда акс эттиришини ва якуний овозларни ҳисоблаш учун санок комиссия аъзоларига бюллетенларни топширишларини сўради. Кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш якунлари бўйича маълумотларни ўқиб эшиттириш учун санок комиссияси раиси Б.Ғиёсовга сўз берилди. У эса ўз навбатида овоз бериш натижалари бўйича санок комиссиясининг якуний баённомасини ўқиб эшиттирди (баённома илова қилинади).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда акциядорлар учун **Давлат**

ҚАРОР ҚИЛАДИ:



1. Акциядорлар умумий йиғилишнинг регламенти қуйидаги тартибда тасдиқлансин:
- кун тартибидаги барча масалалар бўйича сўзга чиқувчиларга 5 дақиқа;
- таклиф ва мулохазалар учун 5 дақиқа.
- Кун тартибидаги масала бўйича қарор қабул қилишга 10 дақиқа.
Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5673734 овоз – 100%, қарши, бетарафлар йўқ)

2. Акциядорлар умумий йиғилишининг санок комиссияси шахсий таркибига қуйидаги номзодлар тасдиқлансин:

- Б.Ғиёсов (жамият ходими)
- У.Рахимов (жамият ходими)
- А.Каримов (жамият ходими)
Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5673734 овоз – 100%, қарши, бетарафлар йўқ)

3. Кумулятив овоз бериш натижаларига кўра қуйидаги шахслар жамият кузатув кенгаши аъзолари этиб сайлансин:

3.1. Алимжанов Артикмирза Муқимжанович - Давлат улуши вакили – 27780725 овоз;
3.2. Исмаилов Исмоил Ҳакимович - “Jasmin Gold Group” МЧЖ вакили - 1989421 овоз;
3.3. Исмаилов Исроил Ҳаким ўғли - “Jasmin Gold Group” МЧЖ вакили - 1987419 овоз;
3.4. Юсупжанов Иброхимжон Ҳаким ўғли - “Jasmin Gold Group” МЧЖ вакили - 1987978 овоз;
3.5. Тўракулхожиев Нуриддин Юлчибой ўғли - “Jasmin Gold Group” МЧЖ вакили- 1991711 овоз;
3.6. Мадакимов Ғайратбек Ғуломжонович - “Jasmin Gold Group” МЧЖ вакили - 1987722 овоз;
3.7. Тўракулхожаев Муҳиддин Юлчибоевич - “Jasmin Gold Group” МЧЖ вакили - 1991162 овоз;

4. Кун тартибидаги 4-масалага 65%, яъни 3684824 овоз қарши бўлганлигини ҳисобга олиб (ёқлаб овоз берганлар: 35% яъни 1988910 овоз), жамиятнинг ташкилий тузилмаси ўзгаришсиз қолдирилсин. Ушбу ташкилий тузилма кузатув кенгаши томонидан изчил ўрганиб чиқилиб, асосли таклифлар тақдим этилган сўнг, кейинги умумий йиғилишларда муҳокамага қўйилсин.

5. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матни тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5673668 овоз – 99,99%, қарши йўқ, бетарафлар: 66 овоз – 0,01%)

6. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича 9613542.62 сўм, 2018 йил якуни бўйича 17355903.0 сўм, 2019 йил якуни бўйича 36723917.0 сўм ва 2020 йил йил якуни бўйича 15905527.33 сўм, жами 79 598 889.95 (етмиш тўққиз миллион беш юз тўқсон саккиз минг саккиз юз саксон тўққиз сўм 95 тийин) сўм ҳисобланган, лекин шу кунга қадар талаб қилиб олинмаган дивиденд маблағларини жамият фойдасига олишга руҳсат берилсин.

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5673734 овоз – 100%, қарши, бетарафлар йўқ)

7. Жамият Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансин ҳамда белгиланган тартиб ва муддатларда жамиятнинг Уставини Давлат рўйхатидан ўтказиш жамият бошқаруви (Ф.Туракулхожаев, Б.Ғиёсов) зиммасига юклатилсин.

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5673668 овоз – 99,99%, қарши йўқ, бетарафлар: 66 овоз – 0,01%)

Йиғилиш раиси



(Signature)

А.Мубораков

Йиғилиш котиби:

(Signature)

А.Кадирова